



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 5 февраль, № 24 (7254)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИККА ОИД «ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ» ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 февраль куни Германия, Франция, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари билан икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, қабул қилинган “Йўл хариталари” ижросини сўзсиз таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Инвестиция иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Шу боис бу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. 2019 йил мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди. Бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди.

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш орқали бизнесни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётгани, лекин бу ҳалти етарли эмаслиги таъкидланди.

Инвестиция билан шуғулланувчи кадрлар етишмайди. Инвесторлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, мавжуд инфратузилмани ривожлантириш зарур. Шу боис бу соҳа бўйича ҳали яна кўп ишлашимиз, изланишимиз керак. Хориждан инвестиция кирмаса,

мамлакат ривожланмайдиган, деди Шавкат Мирзиёев.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг етакчи хорижий давлатлар билан алоқалари жадал ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Сиёсий мулоқотлар ва делегациялар алмашуви фаоллашяпти.

Давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга ташрифлари давомида ўзаро ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилгани, жумладан, Ўзбекистон билан Германия, Франция, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида умумий қиймати 14 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган манфаатли шартнома ва келишувлар имзолангани қайд этилди.

Франция ва Германия каби нафақат Европа Иттифоқи, балки жаҳоннинг етакчи давлатлари Ўзбекистоннинг ишончи ва истикболли шерикларидан бўлиб, ташрифлар ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ушбу мамлакатлардан, аввало, замонавий технологиялар, инновациялар, илғор тажриба ва бошқарув менежментини юртимизга жалб этиш устувор вазифадир. Инвестициявий лойиҳаларни бўйича битим ва келишувларнинг ижро муддати, масъул идоралар ва шахслар “Йўл хариталари”да аниқ кўрсатилган.

Давлатимиз раҳбари халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи истикболли лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда Германия билан тузилган Инвестиция ва технологиялар бўйича қўшма қўмитанинг ишчи гуруҳи “Йўл харитаси”даги лойиҳалар мониторингини ва сўзсиз амалга оширилишига жавоб беради. Шундай тизимли ишни бошқа давлатлар билан ҳам татбиқ қилиш кераклиги қайд этилди.

Президентимиз ўтган йили октябрь ойида Нью-Дехлида ва жорий йил январь ойида Гуҷаратда Ҳиндистон Бош вазир

Нарендра Моди билан учрашиб, ушбу ташрифлар натижасида салкам 3,5 миллиард долларга тенг инвестициявий лойиҳалар ва савдо битимларини амалга оширишга келишиб олинган эди. Ушбу битимлар ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, инновация, қишлоқ хўжалиги, агрокластерлар, таълим каби соҳаларга оиддир.

Андижонда фармацевтика соҳаси бўйича биринчи қўшма эркин иқтисодий зона ва Шарда университети, Тошкентда технопарк ва Амрити университетининг очилиши, замонавий тиббиёт клиникалари қурилиши ва шу каби қатор лойиҳалар ижроси тўлиқ таъминланиши зарурлиги қайд этилди.

Араб-мусулмон дунёсида катта нуфузга ва улкан салоҳиятга эга Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳам икки ва кўп томонлама ҳамкорликни давлатларимиз имкониятларига мос даражага кўтариш йўлида изчил қадамлар ташланмоқда. Кейинги пайтларда ушбу

мамлакат билан делегациялар алмашуви фаоллашиб, лойиҳалар бўйича жадал тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Йиғилишда БААнинг молиялаштириш имкониятлари ва инвестицияларини Ўзбекистонга жалб қилиш хусусида ҳам сўз юритилди. “Йўл хариталари”даги ҳар бир лойиҳа сифатли ва ўз муддатиде бажарилишига эришиш, муаммолли лойиҳалар бўйича янги ҳамкорларни излаб топишга асосий эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга қаратилган бу каби қатъий саяёҳаракатлар мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

Хорижий инвестициялар бўйича эришилган келишувлар ижроси юзасидан мутасаддилар ахбороти тингланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АХБОРОТ СОҲАСИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришнинг институционал-ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим шаклланимаган.

Давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва бошқа ташкилотлар) матбуот хизматларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, соҳага инвестициялар жалб этиш ҳамда ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этишда, хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланишга лозим даражада эътибор қаратилмаяпти.

Ахборот соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаш-

тириш, мамлакат медиа-бозорини жадал ривожлантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очкилигини таъминлаш, китоб ва бошқа махсуслотлар ишлаб чиқариш сифатини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги негизиде **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик);

Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари негизиде **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармалари** (кейинги ўринларда — худудий бўлинмалар);

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5653-сонли Фармонида мувофиқ;

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тўғрисидаги низоом 4-иловага мувофиқ;

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантириш дастури 5-иловага мувофиқ;

“Кўзи охишлар босмахонаси” корхонасининг матбаа ускуналарини модернизация қилиш, бинолари ва ишлаб чиқариш хоналарини таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган “Ko’ngilko’zi” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизими бошқарув ходимларининг чекланган сони 127 нафар, жумладан, марказий аппарати — 81 нафар ва худудий бўлинмаларда — 46 нафар этиб белгилансин. Бунда, уларнинг 101 нафари, шу жумладан, марказий аппаратнинг 55 нафар ва худудий бўлинмаларнинг 46 нафар ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан, марказий аппаратнинг 26 нафар ходимлари — Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

(Давоми 3-бетда).

Эксклюзив интервью

Жиззах вилояти:

ЭНГ АСОСИЙ МАҚСАД — АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига икки кунлик ташрифи доирасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишди.

Президентимиз раҳбарлигида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган видеоелектор йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, туман ҳамда шаҳарлар ҳокимлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган йиғилишда қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мухбиримизнинг Жиззах вилояти ҳокими Эргаш СОЛИЕВ билан суҳбати ана шу ташрифнинг аҳамияти ва келгуси режалар хусусида бўлди.

— Жиззахликлар давлатимиз раҳбарининг ташрифини диққат билан кузатдилар. Қисқа вақт ичида ҳаётимизда рўй берган ижобий ўзгаришлар, худди барча юртдошларимиз каби, шу ернинг туб аҳолиси вакили сифатида мени ҳам беҳад қувонтиради, — дея сўз бошлади Эргаш Алибекович.

— Албатта, кўп ишлар қилинди, лекин бажариладиган вазифалар бундан ҳам кўп.



«ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ» МАРКАЗИ ДУНЁ «АҚЛ МАРКАЗ»ЛАРИ РЕЙТИНГИДА ЯНА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

АҚШнинг Пенсильвания университети “Таҳлил марказлари ва фуқаролик жамияти” дастури доирасида эълон қилиб бориладиган нуфузли “Global Go To Think Tank Index Report” дунё тадқиқот ва таҳлил марказлари йиллик рейтинги эълон қилинди.



2018 йил яқунларига кўра, Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси” маркази мазкур рейтингнинг “Best New Think Tanks 2018” номинациясида 27 та янги ташкил этилган “ақл маркази” қаторида эътироф этилди.

Аҳамиятлиси, ушбу рўйхатга МДХ мамлакатлари орасидан фақатгина юртимизнинг “Тараққиёт стратегияси” маркази киритилган. Ундан, шунингдек, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” маркази,

Германиянинг “Agora Verkehrswende”, АҚШнинг “MGM Resorts Public Policy Institute” каби нуфузли ташкилотлари ўрин олган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

тўртинчи — тармоқнинг ривожига жойларда асбоб-ускуналар ўта эскиргани ва тегишли инфратузилмаларни янгилаш суръатларининг сустиги, ускуналар, қурилмалар, газ қувурлари ва электр узатиш линияларидан хизмат муддатларини бузган ҳолда фойдаланиш, nobарқарор молиявий аҳвол, ресурс ва энергия тежовчи технологиялари жорий этиш даражасининг пастлиги каби бутун тизимга даҳлдор муаммолар тўсқинлик қилмоқда ва бу технологик йўқотишларнинг кўпайишига ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларини етказиб беришда, айниқса, жойларда сурункали узилишларга сабаб бўлмоқда;

бешинчи — соҳа корхоналарида ресурсларни режалаштириш, етказиб берилаётган энергия ресурсларини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини ҳамда бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишлари суст олиб борилаётгани энергия ресурсларини истеъмолчиларга етказиб беришда катта йўқотишларга ҳамда ўзаро ҳисоб-китоб интизоми бузилишига олиб келмоқда.

Энергетика тармоғини самарали бошқариш тизимини жорий қилиш ва жадал ривожлантириш, унинг рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. **Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:**

биринчидан, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг энергия ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ягона энергетика сиёсатини юритиш;

иккинчидан, энергетика соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ҳамда ҳўжалик фаолияти функцияларини аниқ чегаралаш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш, тариф сиёсатини амалга оширишнинг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш ва шу асосда соғлом рақобат муҳити тамойилларини илгари суриш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

учинчидан, инфратузилма объектларини қуришга, шунингдек, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш учун шароитлар яратиш;

тўртинчидан, энергия тежамкорлик ва иқтисодиётнинг энергия сарфини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, иқтисодиёт тармоқлари ва маиший секторда ресурс ва энергия тежовчи илгор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, муқобил энергия манбаларини кенг ривожлантириш;

бешинчидан, энергетика тармоғи корхоналарида технологик жараёнларни автоматлаштиришнинг замонавий воситаларини, энергия ресурсларини қазиб олиш, етказиб бериш ва истеъмол қилиш ҳажмларини ҳисобга олиш тизимларини кенг татбиқ қилиш;

олтинчидан, тармоқ корхоналарини бошқариш тизимини, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини мақбуллаштириш, ишларни ташкил қилишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий усуллари ва мақсадли индикаторларни (сифат менежменти, индикатив режалаштириш) жорий этиш.

2. **Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги** (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин: Ўзбекистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга қаратилган **ёқилғи-энергетика тармоғида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш**;

электр ва иссиқлик энергияси, кўмирни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, шунингдек, нефть, газ ва уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларни қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, тақсимлаш, сотиш ва улардан фойдаланишнинг **давлат томонидан тартибга солинишини амалга ошириш**;

республиканинг энергетика соҳасида **ягона норматив-ҳуқуқий ва техник тартибга солишни амалга ошириш**;

ёқилғи-энергетика комплексини стратегик режалаштириш ва ривожлантиришнинг мувозанатли тизимини яратиш ва ривожлантириш, энергия ресурслари ишлаб чиқаришни ошириш ва диверсификация қилиш, барча турдаги энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва

истеъмол қилишнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли узвий боғлиқ прогнозларини, шунингдек, энергетика тармоғини комплекс ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, энергия ресурслари бозорида қулай рақобат ва ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни рағбатлантирувчи тариф сиёсатини такомиллаштириш ҳисобига **ёқилғи-энерге-тика тармоғининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш**;

ёқилғи-энергетика тармоғида инвестиция лойиҳа-лари амалга оширилишини мувофиқлаштириш, энергия ресурсларини қазиб олиш ва ишлаб чиқариш жараёнларига хусусий капитални фаол жалб қилиш, халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, компаниялар, банклар ва бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

энергетика соҳасига **корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини**, илгор ахборот-коммуникация технологияларини ҳамда бошқарув, ҳисобга олиш ва назоратнинг автоматлаштирилган тизимларини **жорий этишда кўмаклашиш**, шу асосда энергетика соҳасида бошқарув самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, энергетика тармоғи ташкилотлари молия-ҳўжалик фаолиятининг шафодфлигини таъминлаш;

нефть-газ ва электр энергетика тармоғи ташкилотларининг ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, энергия ресурсларини тежаш ва энергия самарадорлиги даражасини ошириш;

энергетика соҳасида муҳандис-техник ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича **тизимли ишларни ташкил қилиш**.

3. Вазирлик:

ўз фаолиятининг асосий йўналишлари билан боғлиқ масалалар бўйича маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларни амалга ошириш; қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш, шунингдек, энергия ресурсларини истеъмол қилиш самарадорлигининг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирлик, “Ўзнеф்த்தазинспекция” ва “Ўзэнергоинспекция” ходимларининг қўшимча штат бирикларини киритиш;

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, энергетика соҳасида етакчи халқаро ва хорижий компаниялар мутахассисларини консультант сифатида жалб қилиш;

юқори малакали хорижий мутахассисларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш, шунингдек, уларга Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан, жумладан, эркин конвертация қилинадиган валютада иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки:

Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Вазирлик, “Ўзнеф்த்தазинспекция” ва “Ўзэнергоинспек-ция” фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ Вазирлик, “Ўзнеф்த்தазинспекция” ва “Ўзэнергоинспекция” ходимларининг лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти 1,5 бараварга оширилган ҳолда қўлланилади;

ушбу банднинг тўртинчи хатбошида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, “Ўзбекнефтьгаз” АЖ ва “Ўзбекэнерго” АЖнинг:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда “Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг маҳсулотлар тақсимотига оид амалга оширилаётган битимлар бўйича функцияларини Вазирликка ўтказиш;

Вазирлик ҳузурида маҳсулотлар тақсимотига оид битимларни амалга ошириш бўйича фаолият олиб бораётган гуруҳларни бирлаштириш йўли билан нотижорат ташкилот шаклида юридик шахс ташкил қилиш ва унга ушбу гуруҳларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш;

“Ўзбекэнерго” АЖ маъмурий биноси жойлашган ер участкасида хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда, замонавий меҳмонхона комплекси қуриш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. М. Ғаниев ва А. А. Абдуҳакимов бир ой муддатда “Ўзбекэнерго” АЖ маъмурий биноси жойлашган ҳудудда замонавий меҳмонхона комплексини қуриш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилишни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекнефтьгаз” АЖни реструктуризация қилиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини киритсин**;

б) “Ўзбекнефтьгаз” АЖ ва “Ўзбекэнерго” АЖни реструктуризация қилишда магистрал газ-транспорт тизими ва магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ҳамда уларни ривожлантириш бўйича алоҳида давлат корхоналарини ташкил этишни назарда тутиш;

в) **2019 йил 1 мартга қадар** ёқилғи-энергетика тармоғидаги комплекс камчиликлар, шунингдек, мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ва уларга эришишнинг қадам-бақадам механизмларини кўрсатган ҳолда **2019 йилда Вазирлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин**;

г) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирликнинг штат жадалвини тасдиқласин;

энергетика тармоғи ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда Вазирликни унга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур назарий билимлар ва амалий қўنىмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни таъминласин;

е) икки ой муддатда “Электрон ҳукумат” тизимига тақдим этилиши ва киритилиши шарт бўлган маълумотлар таркиби бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига белгиланган тартибда киритсин, шунингдек, Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимидан платформа шаклида белгиланган протокол асосида мажбурий фойдаланилишини таъминласин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 майга қадар — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига **Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг 2019 — 2023 йилларга мўлжалланган концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) лойиҳасини;

2019 йил 1 октябрга қадар — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича **инвестиция лойиҳалари портфелини** киритишни таъминласин.

Концепция лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини

мониторингини олиб бориш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги келгусида **Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги** этиб;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси келгусида **Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси** этиб;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси келгусида **Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси** этиб қайта ташкил этилсин ва Вазирлик тузилмасига ўтказилсин.

5. “Энергия тежаш миллий компанияси” акциядорлик жамияти акциядорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг “Энергия тежаш миллий компанияси” акциядорлик жамиятини белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

7. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбе-кистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 1 февраль	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 1 февраль	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ АХБОРОТ СОҲАСИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма);

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази негизи-да **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуни-кациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

2. Тошкент матбаа-ноширлик касб-хунар коллежи, унинг номини **Ноширлик-матбаа фаолияти соҳасида мутахассисларни тайёрлаш касб-хунар коллежига** ўзгартирган ҳамда амалдаги молиялаштириш тизимини сақлаб қолган ҳолда Агентлик тасарруфига ўтказилсин.

3. Куйидагилар:

а) **Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, медиа-бозорда улар учун тенг шaroитлар яратиш, шунингдек, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, инвестициялар жалб этиш ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шарт-шaroитларни шакллантириш;

ахборот соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини умумлаштириш, оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илгари суриш ва ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга улар фаолиятининг очиклигини таъминлашда, давлат хизматчиларига оммавий ахборот воситалари билан очик, оммавий ўзаро ҳамкорлик қилиш маданиятини сингдиришда, шу жумладан, уларнинг матбуот хизматлари (жамоатчилик билан ишлаш бўйича бўлинмалари) фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш орқали кўмаклашиш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларни, инвестициялар киритиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун яратилган қулай шaroитларни, аввало, хорижий ишбилармон доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари орасида тарғиб этиш ва кенг хабардор қилиш масалаларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

тармоқ корхоналарининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, замонавий стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимлари, инновацион гоғялар ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; китоб нашр этиш, электрон ва аудио китоблар яратиш, китоб мутолааси маданиятини ошириш, хорижда ўзбек адабиётини оммалаштириш соҳасида дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

журналистлар ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона корхоналари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, тармоқнинг муҳандислик-техник мутахассисларини тайёрлашда кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

республика ахборот хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш ҳамда ахборот соҳасидаги хатар ва таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб равишда курашиш чораларини кўриш;

Агентлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича халқро ҳамкорлиқни ташкил этиш;

б) **Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очиклиги ҳолати ва даражасини таҳлил қилиш;

миллий ахборот маконини ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарадорлигини мониторинг қилиш;

оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган материаллар мазмунининг, шу жумладан, шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини тизимли асосда таҳлил қилиш;

оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги муаммо ва тўсиқларни аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Агентлик директориға:

зарур ҳолларда, бошқарув ходимларининг белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлик ва унинг бўлинмалари ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низоимларни, шунингдек, идоравий бўйсунувидаги ташкилотларнинг низоимлари ва тузилмаларини тасдиқлаш;

Агентликка юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва бошқа ташкилотлар), нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий-таълим муассасалари, етакчи халқро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини, шу жумладан, хорижий мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида шартнома асосида жалб этиш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ходимларга асосий эгаллаб турган лавозимлари бўйича лавозим машоаларига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, ҳар ойлик иш ҳақи фонднинг 300 фоизидан ошмаган миқдорда устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки:

Агентлик Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чикувчи ва амалга оширувчи ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарлар, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади;

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шaroитлариға кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлариға тенглаштирилади;

Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ахборот соҳасида фаолиятни амалга оширувчи барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилот ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг 7-иловага мувофиқ таркибда

PR-марказ функцияларини амалга ошириш бўйича Идораларро ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Куйидагилар Идораларро ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Агентлик томонидан PR-фаолиятни ташкил этишнинг устувор вазифа ва йўналишларини, концептуал асосларини ишлаб чиқиш, ушбу соҳада самарали идораларро мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестицияга эҳтиёж ва салоҳиятли лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнларини ва бизнес форумлари ташкил этишни PR жиҳатидан қўллаб-қувватлаш учун доимий асосда ахборот материалларини тайёрлаш;

мамлакатимиз инвестиция салоҳияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш, истиқболли инвестиция таклифлари рўйхатини, хорижий инвесторлар учун зарур тақдимот материалларини тайёрлаш учун маълумотларни шакллантириш бўйича тадбиркорлик субъектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

жаҳон ахборот маконида Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, мамлакатнинг инвестиция муҳити ва туристик салоҳиятини тарғиб этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш.

6. Белгилансинки:

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Жамғарма маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари тегишли равишда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация-си ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентли-гининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг марказининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Агентлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда у билан келишилиши шарт;

Агентлик давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тайёрланадиган ва кейинчалик телерадиока-налларда, жумладан, нодавлат телерадиоканалларда трансляция қилишга мўлжалланган ижтимоий ролик ва эълонларни тайёрлаш бўйича ишларни мувофиқ-лаштириди.

7. Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 мартга қадар Агентликка, истисно тарикасида, унинг асосланган ҳисоб-китобларига

таҳлил ва мониторинг натижаларини умумлаштириш ва улар асосида тавсиялар бериш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг фонограммалар ва аудиовизуал асарларни тарқатиш (сотиш, ижарага бериш ва омма этибборига етказиш)да муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликка ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан давлат назорати бўйича ваколатлари Агентликка берилсин.

5. Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Агентликка идоравий мансуб нашриётлар ва матбаа корхоналарининг маҳсулотларини сотишдан тушадиган соф тушумнинг 10 фоизи миқдорида шартнома асосидаги ажратмалардан шакллантириладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 20 миллиард сўм миқдорида бир марта ажратиладиган маблағлар;

Агентлик томонидан рухсатнома тусидаги ҳужжатлар берганлик учун давлат божи тўлашдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари куйидагиларга сарфланади:

давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; китоб мутолааси маданиятини ошириш, ўзбек адабиётини оммалаштириш, ахборот-кутубхона муассасаларининг китоб фондини ривожлантириш, нашриётларнинг ўқув ва адабий материаллари касбий ва бадий савиясини ошириш бўйича лойиҳа ва дастурларни молиялаштириш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини тарғиб этиш, ахборот кампанияларини ўтказиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, яратилган қулай шaroитлар ва ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши тўғрисида, аввало, хорижий ишбилармон доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари орасида тарғибот олиб бориш ва уларни кенг хабардор қилиш;

журналистлар ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа корхоналари ва ахборот-кутубхона муассасалари ходимларини, шу жумладан, мамлакатимиздан ва хориждан мутахассислар жалб этиш, хорижда ўқув стажировкаларини ташкил этиш орқали

тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирларини молиялаштириш;

Агентлик, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Агентликка юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий ва таълим муассасалари, етакчи халқро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини, шунингдек, жумладан хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб этиш бўйича харажатларни қоплаш.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоимни белгиланган тартибда тасдиқласин, унда, жумладан Агентликка идоравий мансуб корхоналарнинг соф тушумидан маблағларнинг бир қисми бевосита Жамғармага йўналтирилишини назарда тутсин.

6. Агентликка Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ҳ. Раҳматуллаев кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Баркамол авлод” республика болалар маркази биноси ва иншоотлари туташ ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин ва унда Ноширлик-матбаа фаолияти соҳасида мутахассисларни тайёрлаш касб-хунар коллежи жойлаштирилсин.

7. Агентлик Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низоимиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 2 февраль	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 2 февраль	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 2 февраль	

Жиззах вилояти:

ЭНГ АСОСИЙ МАҚСАД — АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



Айнан шундай таширлар эса янги ғоя ва ташаббуслар ихроси учун кучли туртки беради.

Давлатимиз раҳбари барча соҳа бўйича жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

— **Айтинг-чи, уларни рўёбга чиқаришда қайси йўналишлар устуворлик касб этади?**

— Мавжуд минерал-хом ашё захираларини ҳисобга олган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришмоқчимиз. 1 231 гектар пахта даласида томчилатиб сугориш усулини жорий этамиз. 2019-2020 йилларда қалава ип ишлаб чиқаришни 80 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Жорий йилнинг ўзида ҳар бир туманда 25 — 30 гектар ерда иссиқхоналар барпо қилинади. Буларнинг барчаси, албатта, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Вилоятнинг қишлоқ ҳўжалигидаги салоҳиятидан янада унумлироқ фойдаланиш пайти келди. Шу боис боғлар ва узумзорларни кенгайтиришмоқчимиз, бўш турган ерлардан ҳам самарали фойдаланишни мўлжаллаганмиз. Янгиобод, Зомин, Фалларол, Бахмал ва Фориш туманларида чорвачиликка ихтисослаштирилган ҳўжаликлар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилади. Шунингдек, балиқчилик ва паррандачилик ҳам ривожлантирилади. Ҳар бир туманда 10 тадан маҳаллани қуён боқишга ихтисослаштиришни мўлжаллаяптиз.

— **Бунда, табиийки, инвестициялар муҳим роль ўйнайди. Уларни вилоятга жалб этиш жараёнини қандай қилиб фаоллаштириш мумкин, деб ўйлайсиз?**

— Инвестиция жараёнларини фаоллаштириш орқали иқтисодиётда ижобий ўсишни таъминлашга эришиш мумкин. Президентимиз таширифи доирасидаёқ хорижий молиявий маблағлар ҳажмини кўпайтириш масалалари устида ишлар бошлаб юборилди. Масалан, Фориш туманида вилоятнинг минерал-хом ашё базасини кенгайтириш, туманининг ижтимоий-иқтисодий тараққийти ҳамда туризм салоҳияти ва лалмикор ерлардан

фойдаланиш имкониятидан самарали фойдаланиш бўйича лойиҳалар тақдими бўлиб ўтди.

Бугунги кунда вилоятда 121 хорижий иштирокидаги корхона фаолият юритади. Соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва уларни изчил ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Жорий йилда қиймати 21 триллион 956 миллиард сўмлик 598 та инвестициявий лойиҳани рўёбга чиқариш, шу жумладан, хорижий шериклар билан ҳамкорликда юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилган. Бунга Фориш туманида базальт тола ва шамол энергетикаси учун қурилмалар, Дўстлик туманида қуёш панеллари, Зоминда доривор ўсимликлар, Жиззахда юпка ва безакли ойна ишлаб чиқаришни мисол қилиб келтириш мумкин.

Президентимиз таширифи доирасида Корея Республикаси, Туркия, Хиндистон, Хитой ва бошқа давлатлардан келган инвесторлар ўз лойиҳалари бўйича тақдимот ўтказдилар. Албатта, жалб этиладиган инвестициялар ҳажми вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиши лозим. Салмоқли капитал қўйилмалар шундагина қўйилган натижани беради. Лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилишини шахсан кузатаман. Режамизда, шунингдек, 200 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш алоҳида ўрин эгаллайди. Дастурга қўшимча равишда Россия Федерацияси ва Франциядан яна 600 миллион доллар шундай инвестиция жалб этилади. Умумий қиймати 14,1 триллион сўмга тенг бўлган 180 та лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши вилоят саноатини тараққий топширишга кучли туртки бериши, шубҳасиз.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Фармониға кўра, 1 мартдан бошлаб вилоятимизда “Илгор ҳудуд” лойиҳасига старт берилади. Бунда замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, янги иш ўринлари очиш, аҳолининг маиший турмуш шароитини яхшилаш бўйича жуда катта вазифалар турибди.

— **Сизнинг инвестиция масалалари бўйича ўринбосарингиз Азим Аҳмаджўяев бошчилигидаги делегация Ўзбекистон ва Франция ўртасида минтакалараро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсадида Францияда бўлди.**

Ушбу сафар натижалари ҳақида тўхталсангиз.

— Сафар дастуриға биноан, Франциядаги етакчи агентлик, компания ва корхоналар вакиллари билан учрашувлар, “Илгор ҳудуд” лойиҳасининг тақдими ўтказилди. Мазкур лойиҳа доирасида аҳолининг даромадларини кўпайтириш ва турмуш шароитларини яхшилаш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, саноатнинг янги тармоқларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Франция томонини вилоятимиз билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатишга қизиқиш билдирди. Бу ҳамкорлик, жумладан, туризмни ривожлантириш, инфратузилмани тақомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалигини тараққий эттириш, қурилиш материаллари ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг бошқа истиқболли йўналишларини ўз ичига олади. Учрашувлар натижасида “MEDEF International” ва Жиззах вилояти ўртасида келишув имзоланди. Ушбу ҳўжат қишлоқ ҳўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши, тиббиёт, туризм ва ахборот технологиялари соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, Жиззах вилоятида ишлаб чиқариладиган товарларнинг сотиш ва савдо ҳамкорларини топишни назарда тутди.

— **Президентимиз таширифи доирасида аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мирзачўл тумани мисолида барча туман марказлари қийфасини ўзгартириш вазифаси қўйилди. Бу мураккаб топшириқ қандай бажарилади?**

— Айтиш жоизки, айнан бизнинг вилоятимиз мамлакатда биринчилардан бўлиб, давлат раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишга киришди. Атиги 45 кун ичида Дўстлик туманидаги Манас қишлоғининг қийфаси бутунлай ўзгарди. Сўнгра эстафетани Мирзачўл тумани давом эттирди. Қисқа муддатда Гагарин шаҳрининг бир неча маҳалласи тубдан ўзгартирилди. Бу хайри ишлар учун 600 миллион сўмга яқин мабла сарфланди. Юқорида номлари келтирилган аҳоли пунктлари бутун Ўзбекистон микёсида энг обод ҳудудларға

айланди. 1 200 дан ортқ оилаларнинг турмуши яхшиланди. Дастур доирасида ҳар қайси туманда икки-учтадан, умумий ҳисобда 33 та аҳоли пункти обод қилинди.

Натижада 465 та кўп қаватли уй, 185 километр узунликдаги ичимлик суви қувурлари, 273 километр электр тармоғи, 10 километр газ узатиш тармоғи ва 210 километрлик ички йўллар таъмирланди. Уларға яна 78 та ижтимоий соҳа объекти, яъни мактабғача таълим муассасалари, мактаблар ва тиббиёт масканлари ҳам қиради. 268 та бозор инфратузилмаси объекти реконструкция қилинди, бу эса 156 минг нафар фуқаронинг турмуш шароитини тубдан яхшилашға имкон берди. Жорий йилда ободонлаштириш ишларининг микёси янада кенгайди. Вилоятимизнинг барча туман марказлари обод қилинади. Айни пайтда эса бу борадаги ишларға жадал киришилди.

— **Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муҳим ижтимоий масалалардан биридир. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, эндиликда Зарафшон дарёсидан сув келтирилади. Бу йўналишда, шунингдек, тозалаш иншоотларини қуриш бўйича нималар қилиняпти?**

— Президентимизнинг “Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ихросини бажариш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалға оширилмоқда. Ушбу масалани ҳал этиш мақсадида “Жиззах вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига яхшилаш” лойиҳаси тасдиқланди. Унинг рўёбға чиқарилиши аҳоли сув таъминоти бўйича замонавий тизим яратиш имконини беради.

Айни дамда янги қувватларни ишға тушириш мақсадида умумий қиймати 31,7 миллиард сўмлик истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Ушбу маблағ ҳисобидан 58 аҳоли пунктда эскирган сув таъминоти тизимини реконструкция қилиниб, янгилари қурилади. Бунда 154 километр сув қувури тортилади, 23 артезиан қудуги очилади ва 36 та сув олиш иншооти қурилади, яна шунчаси реконструкция қилинади. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йилги таширифидан сўнг вилоятимизда

“Жиззах шаҳар оқова сувлари тизимини тубдан реконструкция қилиш” лойиҳасини рўёбға чиқариш бошлаб юборилган. Бунда бир кеча-кундузда 30 минг куб метр сув тозалаш иншоотини қуриш, 62,5 километр канализация тизимини таъмирлаш, 20 мингдан зиёд ҳовиларини марказий канализация тизимига улаш кўзда тутилган. Ушбу мақсадлар учун халқаро молиявий институтнинг 75 миллион доллар маблағи ҳамда 16 миллион доллар миқдордаги ўз маблағларимиз ажратилган. Лойиҳа рўёби вилоятдаги аҳоли пунктларининг сув таъминотини сезиларли даражада яхшилашға олиб келади.

— **Бўлиб ўтган йилгилишда давлатимиз раҳбари ижтимоий соҳада йиллар давомида тўпаланиб қолган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш зарурлигини таъкидлади. Бу борада энг устувор масалалар қайсилар?**

— Энг аввало, бу аҳолининг турмуш даражасини кўтаришдир. Бунда эҳтиёжманд оилалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни тураржой билан таъминлашға алоҳида эътибор бериляпти. Ушбу тоифаға қирувчи фуқаролар рўйхати шакллантирилди ва уларға босқичма-босқич муносиб ҳаёт шароитлари яратиб берилмоқда. Кейинги икки йил ичида кам таъминланган оилалар ва ногиронлиги бўлган шахсларға 505 та замонавий уй ва барча қулайликларға эга квартиралар топширилди. Шундай оилалардан 310 тасининг уйлари таъмирлаб берилди.

Бундан кейин ҳам кўп қаватли уйлар қуриш бўйича лойиҳаларни амалға ошириш давом эттирилади. Уй-ҳойға тегишли дастурларни рўёбға чиқаришда нархларни шакллантириш ва ижтимоий инфратузилма мажмуаларини бунёд этишға эътибор қаратилади. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 30-31 март кунлари Жиззах вилоятига таширифи доирасида берган топшириқларига кўра, вилоятда 135 та нодавлат ва оилавий мактабғача таълим муассасаси ташкил этилди. Бу эса 3 — 7 ёшли болаларнинг қамрови даражасини 22 фоиздан 32 фоизгача ошириш имконини беради.

— **Эрғаш Алибекович Президентимизнинг ҳар бир нутқида халқимизда адолатга, эртанги кунга ишончини оширишға алоҳида ургу берилади. Бу барча даражадаги раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бундай муҳим ва масъулияти вазифани қандай уудаламоқчисиз?**

— Бугун ҳаёт ҳам, одамлар дунёқараш ҳам жуда тез ўзгаряпти. Жамиятимиз тобора очиқ бўлиб бормоқда. Шундай шароитда аҳоли билан бевосита учрашувларни давом эттириш, кундалик муаммолар юзасидан мулоқот ўтказиш лозим, деб ҳисоблайман. Менимча, бу одамларни ташвишга солаётган муаммолар ечимига хизмат қилади.

Ленуре АДильШАЕВА
(«Халқ сўзи») сўхбатлашди.

Жасорат доимо эъзозда

Эъзоз ва эътибор инсонға кўч беради, эртанги кунға ишонч ўйғотади. Пойтахтимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилган Ўзбекистон “Veteran” жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси ташкил этилганининг 25 йиллиги тадбирларида қатнашган ҳар бир инсон буни яна бир бор ҳис қилди.

Эътиром

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 январдаги фармойишига асосан уюштирилган тантаналарда юртимиздаги фахрийлар, кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, Россия Федерацияси, МДҲ мамлакатларидан меҳмонлар иштирок этиди.

Қатнашчилар Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳамда Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди.

Шу ерда Афғонистон ва бошқа чегара ҳудудларда хизмат қилиб, ҳалок бўлганлар хотира китобининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Хотира китобиға Афғон урушида ҳалок бўлган 1 500 дан зиёд юртдошларимизнинг номи битилган.

Тадбирда Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилганларнинг хотирасини эъзозлаш, уруш ногиронлари, ҳалок бўлган жангчиларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлигини қайта тиклашға кўмаклашшға алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон “Veteran” жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси ташкил этилганининг 25 йиллик байрами кенг нишонланаётгани юртингизда инсон қадри улуг эканидан далолатдир, — дейди Қирғизистон Республикасининг Афғон ветеранлари бирлашмаси раиси ўринбосари Мухтор Тўхтаохунов. — Ушбу тадбирда қатнашиб, руҳим кўтарилди, жангтоҳларда олган дил яраларим, дардларим енгиллашгандек бўлди. Бу ерда неча йиллик кадрдонларимиз билан қўришдик. Афғон туپроғида ҳалок бўлганларнинг номи муҳрланган хотира китобини varaқлаб, сафдошларимизни яна бир бор эсладик.

Тадбир доирасида мамлакатимизда биринчи марта МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши ҳузуридиға Жангчи-байналмилалчилар ишлари бўйича қўмитанинг мувофиқлаштирувчи кенгаши йилгилиши ўтказилди. Унда кенгашнинг ўтган йилда қилинган ишлари юзасидан ҳисоботи эшитилди, кейинги фаолияти муҳокама этилди.

“Туркистон” санъат саройида жангчи-фахрийлар яратган буюмлар кўргазмаси ҳамда концерт дастури бўлиб ўтди. Тадбирда жангчи-фахрийлар ва меҳмонларға Президент совғалари топширилди. МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши ҳузуридиға Жангчи-байналмилалчилар ишлари бўйича қўмита ўзбекистонлик афғон уруши қатнашчиларини тақдирлади.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари А. Абдухакимов иштирок этиди.

Дилшод КАРИМОВ,
(«Халқ сўзи») мухбири.

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



Мамлакат тараққийтида инвестициянинг аҳамияти ниҳоятда катта. У қанчалик кўп жалб этилса, иқтисодиёт шунчалик тез юксалади. Кучли иқтисодиёт, ўз навбатида, бошқа соҳалар ривожига таъсир кўрсатади. Хозирги кунда юртимизда мазкур масалаға катта эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

Президентимиз томонидан яқинда қабул қилинган “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор бу борада алоҳида аҳамиятға эға. Бинобарин, ушбу ҳўжатлар Ўзбекистонда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг тузилишиға асос бўлди.

Хўш, бунға қандай зарурат бор эди? Давлатимиз раҳбарининг “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға биноан, инвестиция ва ташқи савдо соҳаларида бошқарув тизимини тақомиллаштириш бўйича энг асосий устувор йўналишлар белгилаб берилди.

— Дунё таҳрибасида экспорт ривожини, аввало, инвестиция билан боғлиқ, — дейди инвестициялар ва ташқи савдо вазирини Сардор Умуразоқов. — Чўнки инвестиция киритилган соҳанинг экспорт салоҳияти кенгайди. Аксинча, экспортни мақсад қилмаган инвестициявий лойиҳаларнинг истиқболли йўқ, деб қаралади. Шунинг учун янги вазирлик зиммасига, аввало, экспорт салоҳиятини ҳар бир тармоқ кесимида тайёр маҳсулот асосида ички бозор эҳтиёжларини қондириш, қолган қисмини экспорт қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилмоқда.

Янги ташкил этилган вазирликка мазкур йўналишлар доирасида қатор ваколатлар берилиб, олдиға муайян вазифалар ҳам қўйилляпти. Яъни Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, ташқи савдо ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ягона давлат сиёсатини мувофиқлаштириш учун масъул ваколатли орган ҳисобланади.

Шунингдек, вазирлик фаолиятининг очиқ ва шаффофлигиға алоҳида аҳамият

қаратилади. Инвесторларнинг давлат органларига мурожаатининг нусхаси кўпи билан бир кун давомида “Инвестиция портали”ға жойлаштирилиши шарт экани белгилаб қўйилгани бунға мисол бўла олади.

Бу, ўз навбатида, мурожаатларни вазирлик томонидан тез ва аниқ рўйхатға олиш, уларда кўтарилган масалалар умумлаштирилиб, таҳлил асосида келиб чиқishi мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишға қаратилган тизимли механизм яратиш имконини беради. Бундан ташқари, вазирлик инвесторлар мурожаатлари ҳақидаги маълумотларни доимий равишда умумлаштириб боради. Уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тақлифлар тайёрлаб, Президент Администрациясига киритиб боради. Мазкур вазифанинг муваффақиятли ихросини таъминлаш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирликлари билан ҳамкорликда инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши, инвесторлар мурожаатларини қўриб чиқиш натижалари, тегишли тармоқ ёки ҳудудларнинг инвестиция салоҳияти тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотларнинг марказлашган базасини ишлаб чиқади ва шу йилнинг 1 мартига қадар “Инвестиция портали”ға татбиқ қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорға биноан эса, вазирлик фаолиятининг янада самарали бўлиши учун унинг ҳузуридида бир неча янги тузилма ташкил қилинади.

— Аввало, Тариф ва нотариф тартибға

солиш кенгаши тузилади, — дейди вазирлик ходими Сардор Рўзиев. — Унинг вазифаси божхона ва тариф сиёсатини амалға ошириш бўлса, Чет эл инвестицияларини жалб қилиш агентлиги инвесторларға кўмак бериб, уларға ҳўжатларни расмийлаштириш хизматларини кўрсатади. Ташкил этилажақ Технология ривожланмиш агентлиги зиммасига эса замонавий технологияларни излаш, жалб қилиш ва Ўзбекистонда жорий этиш вазифалари юклатилмоқда.

Вазирлик фаолиятиға, шунингдек, вақт синовидан ўтган, самарали усуллар ҳам татбиқ этилади. Масалан, 2019 йил 1 июлдан бошлаб инвесторларға “ағона дарча” тамойили асосида хизмат кўрсатилади.

2019 йилнинг 1 июниға қадар салоҳиятли сармоядорлар учун мамлакатимизнинг ҳудудлар кесимидаги ишлаб чиқариш салоҳияти, эҳтиёжлари ва аниқ лойиҳалар акс этган Ўзбекистон Республикасининг интерактив инвестицион харитасини ишлаб чиқиш ва амалға қиритиш вазифаси қўйилган.

Ҳар икки ҳўжатнинг муҳим жиҳатларидан яна бири — эндиликда нафақат инвесторлар, балки мамлакатимиздан ташқи бозорға маҳсулот чиқарувчи экспортчи корхоналарға ҳам бир қатор имкониятлар яратилляпти.

Мамлакатимиз тадбиркорлари ва ишлаб чиқарувчиларининг ана шу имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланиш қўниқмаларини ривожлантириш мақсадида улар учун ташқи савдо ва экспорт асослари бўйича бепул курслар ташкил этилади. Вазирлик ташқи бозорлар таҳлили асосида маҳсулотға бўлган талаб, уларни хорижий мамлакатларға етказиб бериш рентабеллиги ва бошқа ҳусусиятларни инобатға олган ҳолда, тегишли ҳулосаларни ҳар йили 5 январға қадар ваколатли органларға тақдим этиб боради.

Таъкидлаш керакки, мазкур Фармон ва қарорда белгилаб берилган вазифаларнинг ихроси Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий тузилмаларига, шу жумладан, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Бош прокуратура ҳузурдаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.

«ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ» МАРКАЗИ ДУНЁ «АҚЛ МАРКАЗ»ЛАРИ РЕЙТИНГИДА ЯНА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



Рейтингни тузиш жараёнида 2016 ва 2017 йиллар давомида фаолияти йўлга қўйилган “ақл марказ”лари урганилиб, “TACTSP Global Think Tank Database” маълумотлар базасига киритилган 68 мингдан ортқ нуфузли экспертлар, журналистлар, сиёсатчилар ҳамда иқтисодий ҳамада сиёсий тадқиқотлар соҳаси мутахассислари ўртаси

да ўтказилган сўров натижалари асосида тузилган.

“Тараққийёт стратегияси” маркази “ақл маркази” сифатида 2018 йилда қатор муваффақиятли лойиҳаларни амалға оширди. Жумладан, “Ақл марказ”ларини урганиш маркази ва Шанхай ижтимоий фанлар академияси томонидан ўтказилган Шанхай “ақл марказ”лари йиллик форумида мамлакатимиз номидан фаол иштирок

этиди. Марказий Осиё фуқаролар жамияти институтлари ўртасида

ташкил қилинган “Level Up Prize” танловида ғолиб, деб топилди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЭЪЛОН

Минтақада қиличбозлик спорти қизгин ривожланаётганини ҳисобға олган ҳолда, шунингдек, миллий федерациялар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни янада юқори поғонаға кўтариш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари қиличбозлик федерациялари раҳбарларининг 2018 йил 17 ноябрдаги йиғилиши қарорига асосан

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҚИЛИЧБОЗЛИК КОНФЕДЕРАЦИЯСИ
ташқил этилган эди.

2019 йил 25 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон қиличбозлик федерацияларини бирлаштирувчи Марказий Осиё қиличбозлик конфедерациясини давлат рўйхатидан ўтказди.

Ушбу ташкилотнинг асосий мақсади Марказий Осиё мамлакатларида қиличбозлиқни ривожлантириш ва оммавийлаштириш, қиличбозлиқнинг нуфузини янада оширишдан иборат. Шунингдек, Конфедерация Халқаро қиличбозлик федерацияси (FIE)нинг бошқа субъектлари бўлган қиличбозлик федерациялари билан ўзаро алоқалар ҳамда ҳамкорлиқни йўлга қўйиш вазифаларини амалға оширади.

ТОШКЕНТДА МАҲОРАТЛИ ҚИЛИЧБОЗЛАР БЕЛАШУВЛАРИ!

2019 йил 15 — 17 февраль кунлари

Тошкентда Марказий Осиё қиличбозлик конфедерациясининг ўсмирлар ва қадетлар ўртасида I очиқ чемпионати бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан барча қиличбозлик спорти ихлосмандларини пойтахтимиздаги ушбу халқаро мусобақалар бўлиб ўтадиغان Гимнастика спорт саройиға таклиф қиламиз!

I OPEN CENTRAL ASIA FENCING CONFEDERATION CHAMPIONSHIP, JUNIORS & CADETS
FEBRUARY 15-17, 2019, TASHKENT

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 68 723 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибхона 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.

Тахририятта келган қўламалар тақрир қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.

Газетанинг мазкэб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавбар.

Газета тахририят компьютер терминал ҳамда оператор Ж. Тоғасэ томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишиға “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,